



3-беп

4-5-беплар

6-беп

7-беп

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 29 (10.082)

2004 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

### 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришни баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш йўли изчил давом эттирилди, бунинг натижасида: макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми - 6,2 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш - 7,9 фоизга ўсди. Асосий сармояга инвестициялар 4,5 фоизга ўсди.

Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳаражатларининг барча моддалари амалда бажарилди. 2003 йилдаги Давлат бюджетни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз тақчиллик билан ижро этилди;

бюджет ва солиқ сиёсатини эркинлаштириш йўли изчил олиб борилди. Фойдадан олинмайдиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизгача, ижтимоий сугуртага ажратмалар 37,3 фоиздан 35 фоизгача пасайтирилди, солиқларнинг айрим турлари бекор қилинди. Фискал ундирлар даражаси 2002 йилдагига таққослаганда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоиздан 32,5 фоизгача камайдди;

пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш ва пул массаси ҳажмини мақбуллаштириш чора-тадбирлари аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Натижада ўртача йиллик пул массаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 10,9 фоизгача қисқарди;

инфляция даражаси кескин пасайди ва 2002 йилдаги 21,6 фоиз ўрнига 2003 йилда 3,8 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари 12,3 фоизга, тижорат банкларидаги омонатларга депозитлар - 44 фоизга кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилмаётган кредитлар - 2,3 баравар ўсди;

қатъий пул-кредит сиёсати ҳамда ай-

рибошлаш курсларини бирхиллаштириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар таъминланди. Бу 2003 йилда жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ҳамда Халқаро Валюта Жамғармаси Битимининг VIII моддасига қўйилган имконини берди;

ташқи иқтисодий фаолият фаоллашди. Ташқи савдо айланмаси ҳажми 17,3 фоизга, экспорт ҳажми - 24,6 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришилди;

фаол, пухта ўйланган инвестиция сиёсати амалга оширилди. 2003 йилда мамлакат иқтисодиётига қарийб 2 триллион сўм инвестиция қилинди, бу 2002 йилдагига қараганда 4,5 фоиз кўпдир. Капитал қўйилмалар таркибида марказлаштирилмаган инвестициялар улуши 2002 йилдагига таққослаганда 57 фоиздан 63 фоизгача ўсди;

расман хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, унинг механизмини такомиллаштириш юзасидан аниқ кадамлар қўйиш таъминланди. 2003 йилда 2015 объект ва акциялар пакетлари сотилди, бу 2002 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпдир. Собиқ давлат мулки негизда 980 тадан ортиқ, хусусий корхона ва 400 га яқин мулкчиликнинг бошқа нодавлат шаклларидаги корхоналар ташкил этилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми бир йилда 1,3 баравар ўсди, шу жумладан мол-мулкни хорижий инвесторларга сотишдан тушум 3,4 баравар кўпайди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,5 фоизга етди.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаётганлар салмоғи иқтисодиётда банд бўлганлар жами сонининг 57,0 фоиздан кўпрогини ташкил қилди;

98,6 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 143 академик лицей ва касб-хунар кол-

лежлари, 22,1 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган умумтаълим мактаблари, кунига 14,5 минг беморга хизмат кўрсатадиган кишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.

Кишлоқ аҳолисининг ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни ислох қилишга доир қўйилган вазифаларнинг барчаси ҳам ўзининг тўлиқ мантиқий якунини топмади: корхоналари хусусийлаштириш дастурлари топширилди, айниқса, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимида, шунингдек Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари корхоналари бўйича бажарилмади. Акцияларнинг давлат пакетларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш ишлари суст ташкил этилган. Акциялар пакетларини инвестиция мажбуриятлари остида бепул беришда ортиқча эҳтиёткорлик намоён бўлмақда;

капитал қурилишда ислохотлар жараёни суст амалга оширилмоқда, пудрат ва лойиҳалаш ишларининг самарали бозори ташкил этилмаган, лойиҳа-қидирув ташкилотларини хусусийлаштириш қоникарсиз бормоқда;

кишлоқда шартнома интизом пастлигича қолмоқда, фермер ва деҳқон хўжалиқлари томонидан етиштирилаётган кишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини тайёрлашнинг амалий тизими яратилмаган;

хўжалиқ бошқарувида маъмуриятчилик усуллари бартараф этилмаган, биринчи навбатда, хомашё ва материаллар асосий турларини тақсимлашда маъмуриятчилик сақланиб қолмоқда, товар-хомашё биржалари фаолияти қоникарсиз ташкил этилган, уларнинг айланмалари даражаси пастлигича қолмоқда;

Давоми 2-бетда.

## XXI саҳоси

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.
- Тошкент вилоятида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат Иқтисодиёт ва аграр университетлари, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳокимликлари ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида касб-хунар коллежлари таълими тизимида янги педагогик технологияларнинг қўлланилишига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Тошкентда «Ўзбек ипаги» уюшмаси ва Италиянинг «Giorgio Giammiola & C.S.p.Ф.» ҳамда «Finiterexpo» компаниялари томонидан таъсис этилган «Regiah Slik Ltd» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси шойи галстуклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.
- Ангрендаги «Каолин» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида йилига 200 минг тонна бойитилган каолин ишлаб чиқарилади ва асосан хорижга экспорт қилинади. Корхона бу йил экспорт ҳажмини 20 минг тоннадан оширишни режалаштирган.
- «Бўз пахта тозалаш заводи» оник акциядорлик жамияти қайта ташкирлангандан кейин корхонада ялпи хомашёни қайта ишлашда юқори навли пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми 45 фоиздан 90 фоизга ўсди.
- Республика Жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида Халқаро кураш ассоциациясининг 2004 йил тақрими ва 23-27 февраль кунлари мамлакатимизга келиши кутилаётган халқаро дэюдо федерацияси вакилларининг ташрифига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

### Жаҳонда

- АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Покистон ҳукуматини ва мамлакат Президенти Первез Мушаррафини ҳушёрликка чақирди ва махфий ахборотлар қай тарихга ўзга мамлакатларга чиқиб кетганини тегишли зарурлиги ҳақида таъкидлади.
- Шимоллий Корея жаҳон ҳамжамияти тарафидан ахратилмайдиган гуманитар ёрдамдан маҳрум бўлиши мумкин. БМТнинг хабар беришича, ташкилот олдидagi иқтисодий муаммолар бунга сабаб бўлиши мумкин.
- Грузия Президенти Михаил Саакашвили парламентга мамлакат Бош вазири вазифасига Зураб Жаания, Давлат хавфсизлиги вазирлигига эса Зураб Адеишвилининг номзодини таклиф этди.
- Латвия Бош вазири Эйнарес Репше ўзи раҳбарлик қилаётган ҳукуматнинг истеъфога чиққанлигини маълум қилди.

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

### Янгиликлар, воқеалар

• **КЕЧА** Замонавий санъат марказида Африка ҳаёти, санъати, турмуш тарзини ўзида акс эттирган «Қора қитъа оҳанглари» деб номланган расмлар,

миллий хунармандчилик буюмлари, ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма 14 февралгача давом этади.

• **КЕЧА** Тошкент ахборот технологиялари университетида «Маънавият кун» ташкил этилди. Унда қатнашган талабалар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти билан яқиндан

танишишни ҳамда шаҳримизнинг диққатга сазовор масканларини томоша қилишди.

• **БУГУН** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди «Ўзбек тили— мунастақил Ўзбекистон Республикаси Давлат тили: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтқа-

зилди.

• **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманидаги Бенъков номидаги Республика расомчилик коллежида «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг  
Қ А Р О Р И

2003 йилда ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ,  
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА 2004  
ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давом. Боши 1-бетда.

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси зарур даражада ривожлантирилмади, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолмоқда;

умумтаълим мактабларининг ҳолатини ва биринчи навбатда, уларнинг моддий базасини қониқарли деб бўлмади.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари ўн кун муддатда минтақаларда, тармоқларда ва иқтисодиёт секторларида иқтисодий ислохотлар якунларини танқидий кўриб чиқсинлар, нуқсонлар ва камчиликлар бартараф этилишини таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

3. Куйидагилар 2004 йилдаги асосий устувор йўналишлар деб ҳисоблансин:

капитал қурилишида, қишлоқ ҳўжалигида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бошланган иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, уларни изчил ва мантиқий давом эттириш;

ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш йўлини давом эттириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ «юки»ни камайтириш;

хусусийлаштириш жараёнларига янгича ривож бахш этиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги кўлами ва улушини кенгайтириш;

қишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, шартнома интизомини мустаҳкамлашга, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ташкил этишни яхшилашга йўналтирилган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш;

давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин қисқартириш ва чеклашга қаратилган маъмурий ислохотларни амалга ошириш, бошқарув тизимини ва тизимини тубдан ўзгартириш, бошқарувнинг зарур бўлмаган бўгинларини тугатиш;

тақсимлаш тизимининг эски маъмурий-бўйруқбозлик, марказлаштирилган тизимини тугатиш, моддий ресурсларни биржалар, ким ошди савдолари, ярмарка савдолари орқали сотишнинг бозор механизмларига ўтиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётни ривожлантиришда, иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва аҳоли даромадларини оширишда уларнинг ролини кучайтириш;

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш;

умумтаълим мактаблари, умумий ўрта таълим тизими тармоқларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; «Меҳр ва муруват йили» комплекс дастурини амалга ошириш бўйича ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

4. Куйидагиларнинг:

«Ўзэлтехсаноат» (Умаров), «Ўзавтосаноат» (Парпиев) уюшмалари, «Ўзбекнефтигаз» миллий холдинг компанияси (Азизов), «Ўзқишлоқҳўжалик-холдинг» холдинг компанияси (Матчонов), Жиззах (Яманкуллов), Сирдарё (Ҳайдаров) ва Фарғона (Отабоев) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори - улар томонидан 2003 йил учун хусусийлаштириш дастурларида назарда тутилган қорхоналар давлат активларини сотиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар қўрилмаганлиги;

«Агромашсервис» (Нишонов), «Ўзбек ипаги» (Умаров), «Ўзпахтасаноат» (Зикирёев) уюшмалари, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси (Рама-тов), «Ўзодонмаҳсулот» давлат корпорацияси (Нажмиддинов), Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Жўраев) раҳбарларининг эътибори - акциядорлик жамиятлари устав фондларини қонун ҳужжатларида белгиланган микдорларгача етказиш ёхуд уларни бошқа ташкилий ҳўқуқий шаклларга айлантириш бўйича ишларнинг етарли эмаслигига қаратилсин.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2003 йилда хусусийлаштириш ва давлат активларини сотиш бўйича топшириқларнинг бажарилишини якунларини таҳлил қилсинлар, йўл қўйилган қоқоқликни ҳисобга олган ҳолда 2003-2004 йиллар учун белгиланган дастурлар топшириқларининг тўлиқ бажарилишини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси (Асқаров) Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) билан биргаликда бир ой муддатда танқидий таҳлиллар асосида 2004 йилда инвестиция мажбуриятлари остида бепул бериш мақсадга мувофиқ бўлган қорхоналар ва объект-

ларнинг қўшимча рўйхатини Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг (Асқаров) эътибори қимматли қоғозлар иккитамачи бозорини ривожлантириш ва акциялар давлат пакетларини бошқарувчи компанияларга ишончи бошқарувга бериш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов) Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда қимматли қоғозларнинг реал, фаол фаолият кўрсатадиган иккитамачи бозорини ташкил этиш, фонд бозорини операцияларни ўтказишда харажатларни қисқартириш, қимматли қоғозлар бозорини ахборот тўплаш ва тарқатишнинг ягона тизимини барпо этиш, профессионал бошқарувчи компанияларни жадал ташкил этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Бош вазир (Мирзиёев), Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов) барча манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда биржа савдосидаги ишларнинг аҳолини чуқур ўрганиб чиқсинлар ва товар-хомуш бижралари фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича аниқ тақлифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Давлат мулки кўмитаси (Яковлев) манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда моддий-техника ресурсларининг асосий турларини биржа ва ярмарка механизмлари орқали, шунингдек ўртача биржа нархлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича лимитсиз сотиш тартиби механизмлари ишлаб чиқиши ва амалда жорий этилишини таъминласинлар.

9. Капитал қурилишидаги ислохотларни жадаллаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал ҳўжалиги ва транспорт комплекси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси (Тохтаев):

Давлат мулки кўмитаси (Асқаров) билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш ва тугатиш, лойиҳалаш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш, пудрат ва лойиҳалаш ишларининг тўла қимматли бозорини яратиш жараёнини 2004 йилда тўлиқ тугалласинлар;

қурилиш ва лойиҳалаш ишларини бажариш юзасидан бюротмаларни жойлаштириш бўйича танловлар, тендер савдолари ўтказиш даражасини оширсинлар ва бунда маъмуриятчиликка барҳам берсинлар;

қурилиш лойиҳалаш, смета ва технология интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрсинлар, капитал қурилишда смета-норматив базани ва ҳисоб-китобларни бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ тўлиқ янгиласинлар, бунда қурилиш сифатини оширишни ва қурилиш смета қийматининг сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслигини назарда тутишлар, жойларда ягона бюджет бюротмачи хизматлари ташкил этилишини тугалласинлар;

Иқтисодиёт вазирлиги (Азимов), «Ўзқурилишматериаллари» компанияси (Акрамов) билан биргаликда икки ой муддатда мамлакатимиз қорхоналарида юқори технологияли пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги дастурини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Азимов), Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Нурмурад) 2004 йил I чораги охиригача объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни амалга оширишда пудрат ташкилотларига кредит беришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев) барча манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ташкил этиш бўйича ишларнинг аҳолини муфассал кўриб чиқсин ва уни тубдан яхшилаш юзасидан аниқ тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Полвон-зода) фермер ҳўжаликлари билан қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг, айниқса фермерларга минерал йўтилар ва ёнилли-мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олсин ва айбдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни кўрсин.

12. Маъмурий ислохотлар бўйича Республика комис-

сияси (Азимов) барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда маъмурий ислохотларни амалга оширишга доир ишларни пухта ташкил қилсин, бунда:

давлат бошқаруви органларининг янги ташкилий тузилмалари ва марказий аппаратлари тузилмалари ҳамда уларнинг низомлари маъмурий ислохотларнинг асосий принципларига мувофиқ қайта кўриб чиқиши ва қайта тасдиқлаши;

ҳўжалик бошқаруви органларини тугатиш, қайта ташкил этиш ва улар томонидан фақат муассислар берган ҳўжалик функциялари бажарилишини назарда тутувчи усталарни қайта тасдиқлаши;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг бошқарув аппаратлари ходимлари сони қисқартирилиши устидан назоратни таъминласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2004 йил I чораги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши (Азимов) Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (Собиров), Адлия вазирлиги (Полвон-зода), «Ўзстандарт» агентлиги (Бўриев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига: мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида;

маҳсулотларни ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни сертифициклаш тартибини соддалаштириш ва бирхиллаштириш, тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини ва уларни кўриб чиқиш муддатларини кескин қисқартириш бўйича;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, улар учун инвестиция кредитлари ва лизингининг янада жалб қилувчи механизмни жорий этиш бўйича; тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини аниқ тушунтириб берадиган норматив ва маълумотнома материалларини, амалдаги норма ва қиридаларни кенг қўламда нашр қилиш тўғрисида тақлифлар киритсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш дастурини тайёрласин ва киритсин.

15. 2004 йил I чораги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш тўғрисидаги масала махсус кўриб чиқилсин. 2004-2008 йилларда умумтаълим мактабларини ривожлантириш имкониятлари қидириб топилсин ва ривожлантиришнинг махсус дастури тайёрлансин. Ушбу дастурни бажариш учун фақат бюджет маблағлари эмас, балки хомийлар маблағларини ҳам жалб этиш назарда тутилсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2004 йил учун қабул қилинган «Меҳр ва муруват йили» комплекс дастуриндан келиб чиққан ҳолда дастурни бажаришга йўналтирилган аниқ ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

17. Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Жўраев), «Ўзқишлоқҳўжалик-холдинг» компанияси (Матчонов) баҳорги дала ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган қишлоқ ҳўжалиги техникаси 2004 йил 15 мартгача, дон ўриш-йиғиш комбайнлари ва чорва озукаси йиғиштириш техникаси эса шу йил 1 майгача тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Жалолов) коллектор-дренаж ва сугорчи тизимларини тозалаш ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни экиш мавсуми бошлангунга қадар тугалласин.

18. Ушбу мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 7 февраль

Ёшлар —

Келажагимиз

**СОҒЛОМ  
ТУРМУШ ТАРЗИ  
ЙЎЛИДА**

**Вазирлар Маҳкамасининг оилада тиббий маданиятни ошириш борасидаги қарорига асосан айни пайтда жойларда шу масалага оид кўплаб амалий ишлар олиб бориюмоқда.**

Ақмал Икромов тумани ҳокимлиги, туман ҳудудий тиббий бирлашмаси, туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ҳам юқоридаги масалага бағишланди. «Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида, оилада тиббий маданиятни ошириш» мавзусида бўлиб ўтган йиғилишда тумандаги 44-мактаб ўқувчи ёшлари, устоз-мураббийлар ҳамда мутахассислар иштирок эттиди.

Тадбирда қатнашган ташхис маркази гинеколог қизларга балоғат ёшидаги ўзгаришлар, оиладаги тиббий маданият, шунингдек, оила қуриш бўсағасида турган йигит-қизларга зарур бўлган ибратли амаллар ҳақида атрофлича гапириб ўтди.

Шунингдек, тадбирда ўсмир ёшларга ота-онага бўлган ҳурмат, ўқсик қалбларга меҳр-муруват кўрсатиш, соғликнинг қадрига етиш борасида қимматли маслаҳатлар берилди.

— Бу каби тадбирлар ҳар ойда доимий ўтказиб борилади, — дейди «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши раиси Умида Раҳимова. — Бундан асосий мақсад ёшларимизнинг саломатлигини тиклаш, оиладаги тиббий маданият савиясини ошириш ҳамда Меҳр ва мурувват йиллиги йигит ва қизларимиз қалбида меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтиришдан иборат.

**ЯХШИ НИЯТЛАР  
БИЛАН**

**«Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза тумани бўлими, туман ички ишлар бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши ташаббусида ўтказилган тадбир ёшларимизнинг маънавий тарбиясига бағишланди.**

Тадбирда туман ички ишлар бўлими рўйхатида турувчи тарбияси оғир болалар, шунингдек, ўсмир ёшлар ва ота-оналар иштирок эттиди. Йиғилишда тартиббузарликлар содир этган, майда ўғрилик, зўравонлик йўлига кириб қолган ўсмир ёшларга мутахассислар бу йўлнинг салбий оқибатлари, ҳалол меҳнат билан яшашнинг афзалликлари тўғрисида гапириб ўтиш билан бир қаторда, уларни Тошкент тарбия колониясига ҳам олиб боришди.

Тарбия колониясининг муҳити, у ердаги тенгдошлари билан танишган йигит-қизлар ўзларига тегишли хулосалар чиқариши кўпчилиги чин дилдан бизга раҳматлар айтишди, — дейди «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раиси Илмира Турсунова. — Аммо биз бу ўсмирларимизни ҳеч қачон ўз ҳолларига ташлаб қўймаймиз. Келгуси режаларимиз уларни иш билан таъминлаб, спорт тўғаракларига мунтазам аъзо қилиб қўйишимиз. Ана шундаги на ёшларимизнинг бўш вақтлари ҳам фойдали амаллар билан ўтати ва келажақда улардан яхши спортчилар етишиб чиқса ажаб эмас.

**Орзуғул РУСТАМОВА.**

Мақкур ҳаракатнинг Яққасарой туман бўлими Кенгаши томонидан олиб борилган самарали ва сермазмун ишлар натижасида бугунги кунда 27 мингдан зиёд туман ёшлари «Камолот»нинг фаол аъзоларидир. Таҳлилларга қараганда, уларнинг аксарият қисми ҳаракат сафига қўшилишдан аввал ҳаётда ўзига яраша бирон-бир машаққатчи бошидан кечириб ўтган бўлиши аниқ. «Камолот» бундай оғир дамларда уларга кўмак бўлди.

Кимгадир ажабланишли туюлиши мумкин, лекин Тошкент Давлат педагогика университети талабаси К. Ирина шу кунгача «Камолот» ҳақида бирон-бир маълумотга эга эмасди. Кўча шайхони Ирина ўқишни ҳўп ҳам хўш кўрмасди, университетга хоҳласа келарди, бўлмаса йўқ. Биринчи семестр тўғар-тўғамас ўқув юрти ректорати қарори билан уни ўқишдан четлатиш масаласи кўндаланг қўйилди. Ота-онасининг эркатойи бўлган Ирина бундай вазиятдан қандай чиқиб кетмаслиги саросимига тўшган бир пайтда унинг курсдоши «Камолот»га илтимос билан мурожаат қилишни маслаҳат берди. Бўлиб ўтган кескин мунозаралар устида батафсил ўқитилиб ўтишни ўринли топмадик, аммо шунга айтиш лозимки, Ирина фақатгина «чин сўзи» эвазига тез орада ўқишга тикланди. Ҳозирда эса унинг таъқидлашча, «Камолот», Ирнанинг ҳақиқий дўсти ва маслаҳатгўйига айланди. Ирина университетдаги бошланғич таълим томонидан уштирилмаган ҳар бир тадбирда фаол қатнашиб келмоқда, ўқишлари ҳам ўзлаштириб олди.

Шу кунгача «Камолот» сафларига

«Камолот»

**ЁШЛАРГА СУЯНЧ  
БЎЛМОҚДА**

**Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, синовли кунларида мададкор ва суюнч бўлиш мақсадида ташкил этилган «Камолот» ижтимоий ҳаракати шу кунларда биринчи мартаба ўз аъзолари — «Камолот»га ишонган, унинг сафларига орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун тенгқурлари билан бирлашган ёшлар олдига ҳисоб бермоқда.**

Ирина каби кириб келганлар сонга кам эмас, кўп эмас. 152 нафар талабани ташкил қилади. Ҳисоб-саноли конференциясида айнан шу рақамлар кўнчилиги эълборини тортиб, ҳаракатнинг туман Кенгаши фаолиятига ижобий баҳр берилишида ҳамда унинг янги таркиби сайланишида ҳам ҳал қилувчи кўрсаткич бўлди десак янглишмаймиз. Ким билсин, агарда «Камолот» вақтида кўмак қўлини чўзмаганда, эндигина ҳаётга мустақил қадам қўяётган 152 нафар ўғул-қизларимиз қайси йўлни ўзига маъқул деб топган бўлар эди? Ваҳоланки, уларнинг бошига синов келган бир пайтда айнан «Камолот» ишонч билдириди ва олий ўқув юрти раҳбарияти олдинда уларни қадрига олдиди.

Бугунги кунда туманда ҳаракатнинг 36 та бошланғич ташкилотлари тузилган бўлса, уларнинг энг йирик ҳисобланганларидан 11 таси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида бўлмаган ҳолда юритади. Кези келганда шунга қўшимча қилиш мумкинки, жойлардаги бошланғич ташкилотлар фаолияти тўғрисида

даги олий ўқув юрти талабаларидан ўнгаси Президент стипендиясига сазовор бўлган. Шу кунларда «Камолот» стипендиясига кўрсатилган номзодлар орасида туманда тахсил олаётган талабалар борлиги ҳам кишини қувонтиради.

Бирок ҳар бир тумандаги каби, Яққасарой туманида ҳам ёшлар масаласида, айниқса воғга етмаганлар бўйича барча муаммолар ечимини топган десак тўғри бўлмайди, албатта. Чунончи, ўтган вақт давомида ички ишлар рўйхатида олинган оғир ўқишлар сонини атиги бештага қисқартиришга эришилди. Бундан ташқари, ички, яъни мактаб назорати ҳисобида 59 нафар ўқувчи турса, уларнинг аксариятини 14 ёшдан ошган болалар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам, конференцияда таъқидланганидек, туман Кенгаши, хусусан бошланғич ташкилотлар келгусидаги вазифалари қаторига айнан юқорида эътироф этилган долзарб масалаларни қиратиш лозимдир.

Бугунги кунда туман ёшларини спорт ва жиқмоний тарбия машғул-

ларига жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам унчаллик қонқарил эмас. Чунончи, мактаб ўқувчилари сонин 13,5 мингдан иборат бўлса, шундан 25 фоизи спорт йўналишидаги турли тўғаракларга қатнашади. Шундай бўлсада, кейинги пайтда иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан туман «Камолот» й томонидан мактаб ва спорт интернатлари 6,5 миллион сўмлик янги спорт анжомлари ва жиқозилари билан таъминлангани эътиборга лойиқдир.

Конференцияда ўтган вақт мобайнида «Маҳалла посбони» марказлари фаолияти ҳам фаоллашиб боргани алоҳида таъқидлаб ўтилди. Жумладан, марказ посбонлари иштирокчи жойларда 4700 дан зиёд ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди, 52 та жиқот фойш этилди.

Бирок, жиқот-саноли йиғилишида сўзга чиққан туман ҳокими Раҳмонбек Усмонов таъбири билан айтгандай бўлса, юқорида келтирилган рақамларнинг бари, бу—кечаги куними. Бугунги куннинг талаби шундаки, ҳаракатларимиз икки-уч ҳисса кўпроқ бўлиши керак.

Дарҳақиқат, «Камолот»нинг режалари ва қиладиган ишлари олдига ҳали кўп бўлиши мумкин. Аммо олдидан ҳаракатни янги вазифалар, янги режалар кўлмоқда. Уларни ҳаётга таъбиқ этиш масъулияти эса конференция делегатларининг бир овоздан кўллаб-қувватлашини натижасида яна бир бор амалдаги туман Кенгаши аъзолари, унинг сардори Мурод Атамуратовга ишонч билан юқлатилди.

**Илмира ЗАЙНУДИНОВА**

Ушбу муваффақиятларга эришишда мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес ривожини унч очилган кенг йўл, ҳунармандларга яратилаётган қўлайликларнинг аҳамияти салмоқлидир. Бу борада ҳар йили юртимизда босқичма босқич ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти совини учун тадбиркор ва ҳунармандларнинг «Ташаббус» танловининг ўрни алоҳидадир. Мана бир неча йилдири ана шу «Ташаббус» кенг қулоч ёйиб, унинг голиб ва қатнашчиларини эл-юрт танимоқда, янги номлар кашф этилмоқда, махсулотларнинг рақобатбардош турлари харидорларимизни мамнун этмоқда.

Пойтахтимизда ҳам ана шу кўрик-танловнинг туман босқичлари қизғин паллага кирди. Ақмал Икромов туманида ўтказилган «Ташаббус—2004» кўрик-танловида 11 та тадбиркор ҳамда 6 та ҳунарманд иштирок этиб, улар 3 та босқичда кўзда тутилган шартлар бўйича маҳоратларини намойён эттиди.

— Бу йилги иштирокчиларимиз орасида янги номлар борлиги, улар туман иқтисодиёти ривожига сифатли ва бозор талаблари даражасидаги махсулотлар тайёрлаб муҳим ҳисса қўшишга интилаётгани қувончлидир, — дейди туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Камолиддин Воҳидов. — Бунга кўрик-танлов кўрғазмасига қўйилган махсулот турлари, ҳунармандчилик буюкларини миқсолида ва шартлар бўйича беллашувда ҳам яққол қуриш мумкин. Бугунги кунда туманимизда 4300 га яқин кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган бўлса, улар сафининг кенгайишида палатамизнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Ҳар бир мурожаат этган тадбиркорнинг муаммоларини ечиш, уларни қўллаб-қувватлаш асосида ишончини оқлашга интилаёмиз. Бугун танловимизда ўз кўнчага ишонган, изланувчан ва ташаббускор, олдларидидаги маъсулиятни ҳис этган тадбиркор ва ҳунармандларимиз қатнашмоқда. Уларнинг барча ютуқлари эса бизларни қувонтиради, қўллаб муваффақиятларга эришишлари йўлида эса суюнч бўлишга тайёр турибмиз. Зеро, мақсадларимиз улар билан муштарак.

Президентиимиз ҳамиша ички бозорни ўзимизда тайёрланган сифатли товарлар билан тўлдириб, бунинг учун бор имкониётларни ишга солиш зарурлиги ҳақида қуноиб гапирдилар. Танлов кўрғазмасига қўйилган ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотларини кўриб, уларнинг ана шу кўрсатмалардан тўғри хулоса чиқарганига ғувоҳ бўлдик. Жумладан, «Тальяна» хусусий фирмасида тайёрланган эркаклар устки кийимлари, хусусий тадбиркорлар Елена Ақсарова, Елена Скавова тур томонидан замонавий технологиялардан фойдаланиб тиклалган эркаклар шимми, кўрткиси ҳамда қўйлаклари, хусусий тадбиркор

ва 3-ўрин хусусий тадбиркор Илёс Абдумажидовга насиб этди.

Ҳунармандлар беллашуви ҳам ўзига хос тарзда яқун топди. Шарқ минтақаси устаси, ижода намуналари нафақат диёримиз, балки Америка, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония сингари йирик давлатлар санъат иқтисомандларининг шахсий коллекцияларидан ўрин олган Баҳодир Низомқориев голибликни қўлга қиритиб, туманинг «Энг яхши ҳунармандчи» дея эътироф этилди. 2-ўринга ҳунар устаси Ҳасан Одиллов, 3-ўринга эса моҳир заргар Қўқор Тўраев муносиб топилди.

Биринчи ўринга сазовор бўлган голибларга шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар қасаба уюшмаси томонидан «Оқтош» санаторийсига йўланма ҳамда қимматбаҳо совғалар, барча иштирокчиларга эса эсдалик совғалари тақдим этилди. Албатта, тадбирдан қўзланган асосий мақсад — сараларнинг сарасини танлаш, уларга танловнинг шаҳар босқичида муваффақиятли қатнашши тилганини билдиришга эришилди.

— Энг муҳими, ҳаракатларимиз, изланишларимиз зоё кетмади, — дейди «Энг яхши тадбиркор» номини олган «Тальяна» фирмаси раҳбари Ҳамза Хушваков. — Биз ўз йўналишимиз бўйича, яъни ички бозорни импорт ўрнини босувчи тивув махсулотлари билан таъминлашга, уларнинг рақобатбардош, харидор диди ва эътиҳияга мос турларини яратишга интиламиз. Биз учун энг асосийи голиблик эмас, балки иқтисодиётимиз равнақига ҳисса қўшиш, ички бозорда ўз ўрнинини топиш баробарида, махсулот экспортини йўлга қўйиб, иқтисодиётимиз равнақига ултушга эга бўлишимиз. Бунинг учун изланишдан асло чарчамаймиз, бугунги ишончини оқлаймиз. «Ташаббус» бизни ҳаммиз ташаббус кўрсатишга ундаётгани рист.

Биз барча иштирокчилар учун ҳам тадбирнинг ана шундай таассуротларга бой, ташаббусга ундовчи танлов бўлганига ҳар бирининг дил изҳорларини эътиҳиб, юзлардаги ҳажжонини кўриб амин бўлдик.

Бизнинг мақсади — ҳар бирининг дил изҳорларини эътиҳиб, юзлардаги ҳажжонини кўриб амин бўлдик. Бизнинг мақсади — ҳар бирининг дил изҳорларини эътиҳиб, юзлардаги ҳажжонини кўриб амин бўлдик. Бизнинг мақсади — ҳар бирининг дил изҳорларини эътиҳиб, юзлардаги ҳажжонини кўриб амин бўлдик.

Илёс Абдумажидовга насиб этди.

Ҳунармандлар беллашуви ҳам ўзига хос тарзда яқун топди. Шарқ минтақаси устаси, ижода намуналари нафақат диёримиз, балки Америка, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония сингари йирик давлатлар санъат иқтисомандларининг шахсий коллекцияларидан ўрин олган Баҳодир Низомқориев голибликни қўлга қиритиб, туманинг «Энг яхши ҳунармандчи» дея эътироф этилди. 2-ўринга ҳунар устаси Ҳасан Одиллов, 3-ўринга эса моҳир заргар Қўқор Тўраев муносиб топилди.

Биринчи ўринга сазовор бўлган голибларга шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар қасаба уюшмаси томонидан «Оқтош» санаторийсига йўланма ҳамда қимматбаҳо совғалар, барча иштирокчиларга эса эсдалик совғалари тақдим этилди. Албатта, тадбирдан қўзланган асосий мақсад — сараларнинг сарасини танлаш, уларга танловнинг шаҳар босқичида муваффақиятли қатнашши тилганини билдиришга эришилди.

— Энг муҳими, ҳаракатларимиз, изланишларимиз зоё кетмади, — дейди «Энг яхши тадбиркор» номини олган «Тальяна» фирмаси раҳбари Ҳамза Хушваков. — Биз ўз йўналишимиз бўйича, яъни ички бозорни импорт ўрнини босувчи тивув махсулотлари билан таъминлашга, уларнинг рақобатбардош, харидор диди ва эътиҳияга мос турларини яратишга интиламиз. Биз учун энг асосийи голиблик эмас, балки иқтисодиётимиз равнақига ҳисса қўшиш, ички бозорда ўз ўрнинини топиш баробарида, махсулот экспортини йўлга қўйиб, иқтисодиётимиз равнақига ултушга эга бўлишимиз. Бунинг учун изланишдан асло чарчамаймиз, бугунги ишончини оқлаймиз. «Ташаббус» бизни ҳаммиз ташаббус кўрсатишга ундаётгани рист.

Биз барча иштирокчилар учун ҳам тадбирнинг ана шундай таассуротларга бой, ташаббусга ундовчи танлов бўлганига ҳар бирининг дил изҳорларини эътиҳиб, юзлардаги ҳажжонини кўриб амин бўлдик.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа.**  
**Ҳажимжон Солимов**  
**олган сурат.**

«Ташаббус — 2004»

**ТУМАН БОСҚИЧИ  
БОШЛАНДИ**

**Ички бозорни хориждан келтириладиган махсулотлар ўрнини босувчи рақобатбардош товарлар билан тўлдиринишда, мустақил юртимизни жаҳонга таништиришда бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшишга интилаётган тадбиркорлар, маҳоратлари билан халқ амалий санъати намуналарини яратиб нафақат мамлакатимизда, балки хоржий кўрғазмасида муваффақият қозонаётган кўли гул ҳунармандларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқдир.**



Илёс Абдумажидовнинг маҳаллий хом ашё — хом терини қайта ишлаш асосида хорижкидан асло қолишмайдиган, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп чарм махсулотлари, «Офис-Принт» хусусий фирмасида хоржий усқуналар ёрдамида тайёрланаётган қозғов ва қозғов махсулотлари ана шулар жумласидандир.

Тадбиркор ва ҳунармандлар кўрғазмага қўйган экспозициялар ҳайъат аъзолари ва ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу экспозицияларга қўйилган баҳоларда ҳам ўз аксини топди. Шунингдек, танлов иштирокчилари ўзларининг иқтисодиёти ва ҳуқуқий биллиминини, қасб маҳоратлари ҳамда тажрибаларини конвертларда баён этилган саволларга жавоб қайтаришда намойён эттиди.

Барча шартлар бажарилди. Энди эса энг ҳажжонли дақиқаларни танлов ҳайъати аъзолари ўзларининг одилликлари ҳамда синчковликлари билан халқ эътиҳиб палла келди. Ана шу дамда уларнинг хулосалари қўйилганча бўлди: туманда «Энг яхши тадбиркор» номига Ҳамза Хушваков («Тальяна» хусусий фирмаси) сазовор бўлиб, 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин «Офис-Принт» хусусий қорхонасини раҳбари Ҳасан Мамасидов



## Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

• Қаноат қилсанг ҳамма нарсдан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.

• Сендан ўз ўйригача кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир, суҳбатининг тиланган кишини қайтариш эса олижанобликка нуқсон етказишдир.

Искандарга дедилар:

— Агар Худойи таоло сенга галаба беришини хохласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечирини яхши кўради. Ундан сўрадилар: «Сўзга усталлик нима?»

Айтди: Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Деди: Аблах кишиларда дўстлик, ёлгончиларда садокат бўлмайди.

Байт:

Эй биродар, ҳеч қачон  
ёлгон гапирма,  
Чунки ёлгончи хор ва  
қадрсиз бўлар.  
Ёлгончилик кишини  
шармисор қилар,  
Ёлгончилик одамнинг  
обрў-

этиборини кеткизар.

Яна деди: Эй фалончи, либосни ўзингга лойиқ кий ёки сўзингга яраша кийим кий!

• Букрот ҳақим деди:

— Агар киши ўз мукамал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди: Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирдилар.

Яна унинг сўзларидан: Дунё йўл бошида ёқиб кўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Байт:

Дунёда умринг бир  
кунчалик ҳам  
эмас, шундай экан  
ўн йиллик ризқни  
сақлаб нима  
қиласан?

Сенга тегишли ризқ у  
ердан юборилади.  
Сен ўша берилган  
ризқингизга  
бу ердан ололасан.

• Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умид қилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўғон жуссаликдан қувват тама қилиш ноўриндир. Кўрганмисан, қамиш қанчалик йўғон бўлмасин барибир ингичка чўпдек синди, лайлакнинг қадди қанча катта ва баланд бўлмасин, бургут қўлида ожиз бўлиб қолади.

• Раҳм ва шафқат инсоннинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради.

## ТОКИОДА НАВОИЙХОНЛИК КЕЧАСИ

Халқимизнинг атоқли шоири, давлат арбоби ва Шарқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг таваллуд кунига бағишлаб Япониядаги энг нуфузли олий ўқув юртлиридан бири - Сока университетида навоийхонлик кечаси ўтказилди. Унда япониялик таниқли фан ва маданият арбоблари, адабиётшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, маҳаллий мухбирлар ва талабалар иштирок этишди.

Кечада қайд этилганидек, Алишер Навоий ўз даврининг етакчи давлат арбоби сифатида илм-фан намоёндалари, рассомлар, мусиқашунослар, шоирлар ва ҳаттоларга ҳомийлик қилган ҳамда мадрасалар, шифохонлар, кўприклар қурилишига ва бошқа бунёдкорлик ишларига раҳбарлик қилган.

Кечада Шарқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий туғилганидан буён 563 йил ўтган бўлса-да, унинг ўлмас асарларида кўтарилган инсонпарварлик ва демократия гоёлари бугунги кунда ҳам аждодларни руҳлантириб келаётгани таъкидланди. Шу туғайли улуғ шоирнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва уни жаҳонга кенг тарғ-

иб этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ва Сока университети қошидаги Буюк ипақ йўли тадқиқотлари жамияти ҳамкорлиги ташкил этилган кечасида улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида батафсил сўз юритилди. Япон талабалари саҳна кўринишлари воситасида шоир ижоди билан боғлиқ айрим образларни жонлантирдилар. Шунингдек, Алишер Навоий қаламига мансуб дostonлардан парчалар ҳамда газаллар ўзбек ва япон тилларида ўқилди.

— Биз, япон олимлари ва талаба-

лар Шарқнинг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини, унинг бебаҳо ўғитларини чуқурроқ ўрганишга интилоқдамиз. Шу боис ҳам университетимизда ҳар йили буюк шоирнинг таваллуд кунига бағишлаб навоийхонлик кечаларини ўтказиш аънанга айланиб бормоқда. Зеро, шоирнинг кишилар ўртасидаги дўстона муносабатларни улуғлаши ва аксинча, душманликини қоралаш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, Сока университети худудида буюк ўзбек шоири Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш ҳақидаги таклифимиз Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ижобий қабул қилинганидан сўнг ҳозирги пайтда бу борадаги тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз, - деди кеча иштирокчиси, Сока университети ректори М.Ваказ.

Беруний АЛИМОВ  
"Жаҳон" АА  
Токио

## Янги фильм тақдироти


Республика Киночиалар уйида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси «Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Дард» янги бадиий фильмининг тақдироти бўлиб ўтди.

Фильмни кинорежиссёр Юсуф Розиков ўз сценарийси асосида суратга олган. Жиддий ҳаётий масалаларни ўз ичига олган янги кинофильм сюжети томошабин эътиборини ўзига жалб қилади. Ундаги асосий воқеалар чекка шаҳарчада бўлиб ўтади ва тажрибали жарроҳ Исмоил Саидов фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Фильм ижодкорлари айнан шу шифокор билан боғлиқ низоли воқеалар билан чекланмаган.

Янги кино асари томошабинларни одамлар ўртасидаги муносабат масаласи тўғрисида ўйлаб кўришга, виждон ҳалоллигини сақлаган ҳолда ўз фикрини ҳимоя қилишга ундайди. Ҳар қандай дард ва азоб-уқубатлар эса синов, йўл қўйилган хатолар ҳақида ўйлаб кўриш имкониятидир.

Фильмнинг бош оператори Ҳотам Файзиев, бастакор Жамшид Изомов. Асосий ролларни Рустам Каримов, Ирода Аҳмедова, Музаффар Саъдуллаев, Жалол Юсупов, Армуғон Муҳамедова ва бошқалар ижро этган.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА



Шахмат - ақл ўйини

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Раҳматли Қудрат момом бир гапни кўп таъкидларди. «Бир кўнгил иморати—минг макка зиёрати». Момомдан «Бу нима дегани?» деб сўраганимизда улар эринмай тушунтириб берардилар. Бу гапнинг маъноси яхшилик қилиб, ҳатто бир кишининг кўнглини шод ва обод қилиш Маккага юз марта бориб, ҳаж қилиб келишдан кўра хайрироқ экан.

2004— Мехр ва мурувват йили

## БОЛАЖОНЛАР ХУШНУД ЭТИЛАДИ

Дарҳақиқат шундай. Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг қилаётган эзгу ва саховатли, мурувватли ишлари таҳсинга лойиқдир. Яқинда Собир Раҳимов туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида ҳам байрамона безатилган катта залда мурувват тадбири бўлиб

ўтди.

Тадбирда шу даргоҳда салкам ярим асрдан буён ўқувчиларга таълим бериб келаётган Мухайё Шожанова ва бошқалар сўзга чиқиб болажонларга ўзларининг энг сэмимий тилаklarини билдирдилар. Сўнгра мактаб-интернатидаги Вазира ва Шавкат Отахонов раҳбарлигидаги

ракс гуруҳи аъзолари ўзларининг жозибали рақслари, чиройли шеърлари билан йиғилганларни хушнуд қилишди. «Мактаб саҳнаси» номли ажойиб театрлаштирилган саҳна кўринишини 3-синф ўқувчилари қойилмақом қилиб ижро этишди. С. Раҳимов туманидаги 4-маданият уйи ва Йўлдош Охунбо-

боев номли маданият уйининг хушовоз хонандалари ўзларининг дилрабо кўшиқлари билан даврга файз киритдилар. Ушбу мурувват тадбирини ўтказишга Ўзбекистон Миллий университети, «Миробод» бозори жамоалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб болажонларга байрамона дастурхон тузадилар. Бундан ташқари кеча сўнгида С. Раҳимов, Ҳамза ва Сергели туманлари ҳокимлиги томонидан мактаб-интернатда тарбияланаётган болажонларга рангли телевизор, пойабзал ва кийим-кечаклар тухфа этилди.

Хонбоби  
ҲИММАТ ҚИЗИ

## Қаҳра

### АЖОЙИБ ШИФО

Бир дангаса одамнинг деҳқоннинг соғлиғига ҳаваси келарди.

— Шифохонага ҳеч бормагансиз-ов, — сўради бир кун ундан.

— Дала деган шифохонам бор — деди деҳқон. — Вақтида меҳнатини қилсам бас, энгил тортаман. «Тоza ҳаво, танга даво», «Иш иштаҳа очар...» деган мақоллар, дармондорига бой мевалар, сабзавотлар, гиёҳлар шу шифохонанинг маҳсулотлари.

Шифохона дангасага ёққандек бўлди.

— Докторга борай десам ҳамён чаток, Беминнат шифохонага борақолай, — деди ўзича. — Зора ланжлим босилса.

— Шифохонангизга мени ҳам олиб бординг, — илтимос қилди деҳқонга.

— Биласизми? — ҳазил аралаш деди деҳқон, — биттагина шартим бор. Ҳалол ишлашингиз лозим. Танангизда ортиқча йиғилиб қолган тузлар эриб чиқса, энгил тортасиз.

— Бўпти терлаб-пишганим бўлсин, — деди дангаса. — Айтмоқчи, кетмон би-

лан борамани?

— Кетмон бўлгандаям баркашдаи билан. Ерни гурс-гурс чопсангиз, ортиқча ёлларингиз ҳам эриб, ланжлингиз босилади. Тоza ҳаво, ёқимли манзаралардан кайфиятингиз яхшиланса бунга ҳақ тўламайсиз, текин.

Деҳқоннинг сўзидан ишшайган дангасанинг юзида милт-милт тер пайдо бўлди. Бу тер меҳнатнинг илиқ терига ўхшамас, ташвиш, ҳаяжондан чиққан муздек-мина тер эди.

— Ҳозирча дала-шифохонангизга боролмас эканман. Аввал энгилроқ кетмонда ер чопишни машқ қилиб кўрайчи.

ҲАНИ АБДУЛЛАЕВ

**Ажойиботлар****Энг...Энг...Энг**

Дунёда энг мураккаб тил—хитой тили ҳисобланади. Қирк жиллик изоҳли лугатда 49905 иероглифлар жамланган. Биргина «И» товуши 84 маънодаги, бунинг устига мазмунан яқин бўлмаган сўзларни англатади. Ёзувда «Сиё» сўзини акс эттириш жуда мураккаблиги билан ажралиб туради. «Дилкаш» сўзини англатадиган бу ибораси ёзиш учун ручка ёки перони 64 марта ҳаракатлантириш зарур. Кундалик турмушда қўлланладиган сўзлар ичида «ун» ибораси ҳам мураккаб бўлиб, перони 34 мартаба ҳаракатга келтиришда бунёд бўлади.

• Яна хитойлар ҳақида. Хитойдаги Гуан Чжоу вилоятида махсус таомлар тайрланувчи «Исечангуан» деб аталувчи ресторан бўлиб, унда фақат илоннинг ўзидан энг хуштаъм юзлаб таомлар тайёрланади.

• Гап овқатлар ҳақида борар экан, шунга айтиш мумкинки, Вьетнамда энг азиз меҳмонлар учун ит гўштидан шўрва қайнатилди. Бу таом витаминларга энг тансиқ ҳисобланади.

• Дарвоқе, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон мамлакатларида шундай бир «ажойиб» навли гуруч экиладик, ундан тайёрланган овқатдан...сичқоннинг, ҳаҳа, сичқоннинг ҳиди гупиллаб келиб туради. Аммо бу хид ана шу мамлакатдагилар учун энг муаттар ёкимлидир.

Сув — ҳаёт манбаи, поклик, яхшилик, умрбоқийлик рамзи. Аммо ана шу мусаффо сув табиий офатлар ичида энг кўп талафот келтиришни киши ҳаёлига ҳам келтирмаса керак. Сув тошқини табиий офатлар етказадиган зарарнинг 40 фоизини ташкил этади. Тропик циклонлар 20 фоизини, zilзила 10, кургоқчиликлар 15 фоизини ташкил этади.

• Энг қадимги туннель Осиенинг жануби-ғарбий Фурот дарёсида қурилган. Унинг ёши тўрт минг йилга яқин. Узунлиги бир километрдан иборат бўлган бу туннель не-не тарихий воқеаларни бошдан кечирмаган дейсиз?

• Олам ажойиботларга бой. Ана шундай ғаройиб отлардан бири бу ер ости сувларидир. Намибилд жойлашган ана шундай ер ости суви энг катта кўл ҳисобланади. Унинг қаъри 60 метр. Кўлга етиб бориш учун эса қудуқ ва йўлақлардан ўтилади. Драгенхаулок кўли икки гектарга чўзилиб кетган. Уни шу даврга қадар энг катта кўл деб ҳисоблаб келишган. Американинг Геннеси штатидаги Лост-Аэйк ер ости кўли эса 0,2 гектар катталикдадир.

**«МАҲАЛЛА»: ЯКУН ВА РЕЖА**

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда ушбу жамоат ташкилотларининг 2003 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда жорий йилдаги вазифалари муҳокама этилди.

Пленумда «Обод маҳалла йили» дастури доирасида бажарилган ишлар мамлакатимиз тараққиётида, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди.

Маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолининг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари мазкур ташкилотларнинг доимий эътиборида бўлди.

Маданий, маънавий-маърифий тарғибот ишлари янада кенгайтирилади.

Спортни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Пленумда «Меҳр ва муруват йили» дастурининг ижроси ҳамда «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш юзасидан келиб чиқадиган ишлар режаси белгилаб олинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Иномова иштирок этди.

ЎЗА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

### Биржа савдоларга қўйидаги объектлар қўйилган:

**Муниципал мулк объектлар:**

• Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Х.Олимжон» майдони, «Пойтахт бизнес мажмуаси»нинг ғарбий томонида жойлашган қўйидаги бино қисмлари:

- 1-қаватидаги, майдони 56 кв.метр бўлган К'-блоки. Бошланғич нархи - 20 445 600 сўм;

- 1-қаватидаги, майдони 17 кв.метр бўлган Н'-блоки. Бошланғич нархи - 6 206 700 сўм;

- 1-қаватидаги, майдони 27 кв.метр бўлган И'-блоки. Бошланғич нархи - 9 857 700 сўм;

- 1-қаватидаги, майдони 16 кв.метр бўлган Ц-блоки. Бошланғич нархи - 5 841 600 сўм;

- 1-қаватидаги, майдони 434 кв.метр бўлган Г'-блоки. Бошланғич нархи - 158 453 400 сўм;

- 2-қаватидаги, майдони 204 кв.метр бўлган 1-блоки. Бошланғич нархи - 74 554 661 сўм;

- 2-қаватидаги, майдони 203 кв.метр бўлган 3-блоки. Бошланғич нархи - 74 189 196 сўм;

**Бошқа муниципал мулк объектлар:**

• Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи - 750 000 000 сўм;

• Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, «Хумоюн» даҳаси, 3а-уйда жойлашган, майдони 481 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 9 791 800 сўм;

• Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Сағбон-Форобий кўчаси, 6-уйда (3 бл., 2-сек.) жойлашган, майдони 129 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 21 523 180 сўм;

• Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уйда жойлашган, майдони 17 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 675 141 сўм;

• Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 939 110 сўм;

• Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 540 396 сўм;

**Бошқа объектлар:**

• Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 39-уйда жойлашган, Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган, «1-сон Тошкент уй-жой қурилиш комбинати» ОАЖнинг «Б» худуди бино ва иншоотлари, Бошланғич нархи - 212 500 000 сўм;

• Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий sanoat худуди КПД-

5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси.

Бошланғич нархи - 59 921 772 сўм;  
• Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'z davlatta'lim loyiha qurilish» МЧЖнинг 90 фозизлик давлат улуши. Бошланғич нархи - 1 514 250 сўм;

• Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Хумсон» қишлоғида жойлашган, «Тошкент таъмирлаш-қурилиш» ОАЖга қарашли бўлган «УГАМ» дам олиш маскани. Бошланғич нархи - 35 557 391 сўм.

• «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қўйидаги станоклар:

- «Станок СМЖ-357». Бошланғич нархи - 1 400 221 сўм,

- «Станок токарно-револьверный 1Г 340 П». Бошланғич нархи - 5 338 396 сўм

Шунингдек савдоларда «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ ҳудудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳужуқлари сотилмоқда.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинда «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.**

**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: www.tshmbm.uz;**

**Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**



**Тошкент Давлат цирки 16 ёшдан 25 ёшгача қисм ва қизларни**

**балиет гуруҳига қабул қилади.**

**Манзил: Тошкент Давлат цирки, 144-35-09 телефонига мурожаат қилинг.**

**Қабул кунлари: душанба ва сешанбада соат 10.00 дан 16.00 гача.**

Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан 2001 йилда Муслимова Азиза Абдусаматовна номига берилган №270625 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририятга реклама агентларини ишга қабул қилади.

Мазлумотлар учун телефон: 133-28-95

**oytaxt**  
**INFORM**  
132-26-44 132-26-45 FM 107.2

Кўнгил учун musiqa, мулоҳаза учун axborot. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

**Спорт**

**ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК КИЗГИН ПАЛЛАДА**

**Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида спорт федерациялари бош қотиблари ва мураббийлар иштирокида Афина олимпиадасида қатнашувчи Ўзбекистон терма жамоасининг тайёргарлиги масаласига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

Анжуманда юртимиз спортчиларининг олимпиадада қандай тайёргарлик кўраётгани, молиявий таъминот масалалари, спортчи ва журналистларни рўйхатдан ўтказиш, тиббий кўрик ишларини ташкил этиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир давомида мураббийларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлсада, енгил атлетика, академик эшқак эшиш, байдарка ва каноэ, теннис, қиличбозлик, ўқ отиш каби спорт турларида оқсаш мавжудлиги қайд этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунга қадар ўнта спорт тури бўйича 31 нафар спорт усталаримиз нуфузли мусобақалар натижасига кўра Афина олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Улардан энг кўп—7 нафарини сузувчилар ташкил этса, бештадан енгил атлетикачи, эркин курашчи ва боксчиларимиз ёзги олимпиадада юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

**«ПАХТАКОР»ГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ**

**Кеча Осиё қитъасининг энг кучли футбол жамоалари иштирокида чемпионлар лигаси турнири бошланди.**

Шуни айтиш керакки, бу йил чемпионлар лигаси мусобақалари иккинчи мартаба ташкил этилди. Утган йилги мусобақаларда «Пахтакор» ярим финалга йўлланма олган бўлса, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси турнирнинг тўртинчи босқичига етиб келгани ҳолда мамлакатимиз футболчилари муваффақиятли қатнашган эди.

Кеча бошқа жамоаларга ўтиб кетганлиги сабабли ўзининг бир нечта асосий ўйинчиси, жумладан, команда сардори Сергей Нидан айрилган «Нефтчи» дастлабки ўйинда сафарда ҳозирда Эрон чемпионатида олтинчи ўринда бораётган «Сенахан» жамоасига 0:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

Бугун бош жамоамиз, мамлакат чемпиони «Пахтакор» Исфохонда Эрон чемпионатида учинчи ўринни банд этиб турган «Зоб Ахан»га қарши майдонга тушади. Биз янги мавсумнинг илк масъулиятли ўйинида кучли таркибга эга ва турнирга катта тайёргарлик кўрган «Пахтакор»га омад тилаймиз.

**Даврон НУРМАТОВ**

Бақанинг кўриш қобилияти атроф-муҳитнинг ёруғлик даражасига боғлиқ эмас, улар учун кун ҳам, тун ҳам ба-рибир. Демак, ташқи муҳит ёруғлигининг ўзгариши унинг ўлжани тутиш қобилиятини ўзгартирмайди. Бақанинг ана шундай қобилияти тутқунликда ҳам, эркинликда ҳам бир хилда сақланади. Шундай қилиб кўриш асабининг ҳар бир тумани, толалари ихтисослашган бўлиб, мияга фақат бир хил ахборот узатади. Бундай кўзлар ниҳоятда саралаб ишлайди, у дашаротларнинг ҳақиқий локатори ҳисобланади.

Маълумки, аэропортлардаги мавжуд радарлар кун сайин кўпайиб бораётган самолётларни қабул қилиш ва жўнатишда маълум қийинчиликларга дуч келмоқда. Ҳозирги радарларда самолётнинг ҳаракати эмас, балки унинг маълум нуқтада эканлиги қайд қилинади, ҳолос. Бундан ташқари радар экранига ҳаракатда бўлмаган бошқа нарсалар ҳам тушади. Бундай ҳолат ҳар қандай моҳир диспетчерни ҳам шошириб қўяди. Демак бақанинг

ўзига хос кўз тузилиши мукамал радар яратишда сунъий нусха сифатида хизмат қилади, бундай радарлар юқори даражада саралаб, энг асосийси фақат ҳаракатдаги самолётларни кўрсатади.

**Табиат ажойиботлари**

**РАДАР ЯРАТИШДА СУНЪИЙ НУСХА**

*Унчалик яхши эшитиш хусусиятига эга бўлмаган бақанинг ҳаёти асосан унинг кўриш қобилиятига боғлиқдир. Ов қилишда ёки душмандан қочибда фақатгина унинг кўзи ёрдам беради. Бақанинг бошқа сезги аъзолари ривож топмаган. Одамларга ўхшаш ҳолда бақа ўз нигоҳини у жисмдан бу жисмга қараб ўзгартири олмайди. Қимирламай бир жойда турган бақа очликдан ҳалок бўлиши мумкин. Лекин бақанинг кўриш қобилияти бошқа жониворнинг кўзидан тубдан фарқ қилади. Демак бақа фақат ҳаракатдаги нарсаларни кўради.*

Шундай қилиб бақа кўзининг электрон модели радиолокацион қурилмаларни барпо этишда жуда қўл келди.

Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда ана шу асосда операторларнинг тўла ўрнини босадиган тизимми

яратиш мумкин. Шундай автоматик қурилма самолётларнинг қутарилишига рухсат беради. Серқатнов ҳаво йўлларида уларнинг тўқнашиш хавфининг олдини олади. Бундай автоматик қурилмалар учиб келаётган ракеталарни кузатиш ва унинг тезлигини ҳисоб-китоб қилиш имконини беради.

Шунингдек, келажакда бақа кўзидан фойдаланиб космосда олинган фотосуратларда акс эттирилган ахборотларни шарҳлаш имконияти яратилади.

Тез югуриш, душмандан беркиниш ёки унга қаршилиқ кўрсатиш каби хусусиятлардан маҳрум бўлган бақага табиат ўзгача ҳимояланиш қуролини инъом этган. Бақаларнинг тери ости, қулоқ атрофи ҳамда елкасида заҳар ишлаб чиқарилган безлар бўлиб, жониворни муҳофаза этишда уларнинг роли ниҳоятда катта.

Заҳар дастидан бактериялардан йирик ҳайвонларга ҳам ҳалок бўлади.

**Яхё ДАВЛАТОВ,**  
биология  
фанлари доктори.

**БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ**

**Мамлакатимиз ҳудудига кўплаб миқдорда сифати қафолатланмаган ва бож тўловлари тўланмаган маҳсулотларнинг кириб келиш ҳолатлари аниқланмоқда. Айни пайтда контрабанда йўли билан кириб келаётган бундай товарларга кескин кураш олиб борилиши, аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари давом эттирилишига қарамай, айрим инсонлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар.**

● Пойтахтимизда шундай қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун олиб борилган тадбир натижасида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қондаси бузилишига қарши кураш тезкор гуруҳи Қозоғистон Республикасидан кириб келган 127-автокорхонага тегишли 10 AV 629 рақамли автомобилни божхона назоратидан ўтказганида машина юкхонасида Хитой давлатида ишлаб чиқарилган 14 миллион 22 минг сўмлик турли хил товар-моддий бойликларнинг борлиги аниқланди. Ушбу юклар керакли ҳужжатлар асосида божхона назоратидан ўтказилмасдан, қонунга зид равишда Чилонзор буюм бозорига қайта сотиш учун олиб келинаётган экан.

● Амир Темур кўчасида жойлашган «Дедман Силк Роад» мехмонхонаси текширилганида ҳеч қандай ҳужжатларсиз, чет элда ишлаб чиқарилган 2

миллион сўмлик, 22 хилдаги қимматбаҳо спиртли ичимликларнинг ноқонуний эканлиги аниқланди. Ушбу спиртли ичимликлар Республикаимиз ҳудудига ноқонуний олиб кинрилганлиги ва бож тўловлари тўланмаганлиги маълум бўлди.

● Контрабанда ва божхона қондаси бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари шахримизда жойлашган савдо шохобчаларида кузатув ишларини олиб бориш вақтида Мирзо Улугбек туманидаги Шаҳрисабз кўчасидаги бекатларнинг бирида жойлашган дўкон божхоначилар эътиборидан четда қолмади. Ушбу дўкон текширилганида ҳужжатларга асосланмаган ҳолда чет давлатдан келтирилган акциз маркасиз 434 қути сигарет ва 193 шиша ароқларни савдога чиқарганлиги аниқланди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.  
**Нурбек МУСТАФОВ**

**6-8 февраль кунлари теннис оламидаги нуфузли мусобақалардан бири — Дэвис Кубоги учун дастлабки беллашувлар ўтказилди.**

**САФАРДАГИ ЙИРИК ҒАЛАБА**

Ўзбекистон терма жамоаси мазкур турнирнинг Осиё-Океания минтақаси 1-гурӯҳида Хитой Тайпейи теннисчиларига қарши кортага чиқди. Хитой Тайпейидаги Yang-Ming Tennis Center спорт мажмуи кортларида ўтказилган беллашувларда юртимиз шарафини Вадим Куценко, Мурод Иноят, Дмитрий Мазур ва Сарвар Икромовдан иборат терма жамоамиз муносиб ҳимоя қилди.

Дастлабки учрашувида амалдаги Осиё чемпиони, мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткачиси Вадим Куценко мезонлар вакили Тай Вей Людан маҳорат, тажриба ва ўйин бобидан анча устунлигини намоён қилиб, 6:0, 6:1, 6:1 ҳисобида зафар кучди.

Ҳамюртимиз Дмитрий Мазурнинг Ти Чен билан учрашуви ҳам анча қизиқарли бўлди. Рақибга нисбатан кортада ишончли ҳаракат қилган теннисчимиз 6:2, 6:4, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди ва терма жамоамизга иккинчи очкони келтирди.

Навбатдаги учрашув — жуфтликлар баҳсида тажрибали Вадим Куценко билан бирга иқтидорли теннисчи Мурод Иноят кортага чиқди. Хитой Тайпейи терма жамоаси аъзолари Вей Жен Чен ҳамда

Ванг Чен Хсига қарши ўйинда мезонлар жиддий қаршилиқ кўрсатди.

Бироқ шу куни бир-бирини тушуниб ўйнаган теннисчиларимиз 6:2, 3:6, 6:3, 6:3 ҳисобида ғалаба қозониб, терма жамоамизга ҳал қилувчи — учинчи очкони тақдим этди.

Хитой Тайпейи устидан ғалаба қозонилгач, терма жамоамиз мураббийларини кейинги икки учрашувда ёш теннисчиларни синаб кўрди. Сарвар Икромов мезонларнинг тажрибали теннисчиси Ти Чен билан тенгма-тенг ўйнади. Биринчи сетда 6:4 ҳисобида рақибга имкониятда бой берган ҳамюртимиз кейингисидан худди шу ҳисобида ғалаба қозонди — 6:4. Лекин учинчи сетда 6:2 ҳисобида ютуққа эришган Ти Чен терма жамоасига биринчи очкони келтирди.

Сўнгги — бешинчи ўйинда Тай Вей Лю билан куч синашган Мурод Иноят рақибга имкон қолдирмади — 6:3, 6:1.

Ўзбекистон терма жамоаси сафарда ўйнаганига қарамай, Хитой Тайпейи устидан 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
ЎзА шарҳловчиси



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

каттар — 133-29-70;  
яълонлар — 133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 боёма таъбиқ, офсет усулида боёқсиз.  
5576 нусxada боёқсиз. Қогоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан руйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси боёқсизомоси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.